



# ЎЗБЕКИСТОН ССР ва ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЁШДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



## СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССРОлий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

22 октябрь 1974 йил, сешанба

№ 248 (16.028). Баҳоси 2 тийин.



ЎРТА ОСНЕ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ ВА БОШҚА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРИМИЗДАГИ БАРЧА ПАРТИЯЛАР СИНГАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ҲАМ КПСНИНГ КАТТА ВА ЖАНГОВАР ОТЯДИДИР. РЕСПУБЛИКАНИНГ ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАЖАКДАГИ ҲАММА ЮТУҚЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҲАММИНИ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНГАН. РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТЛАРИНИНГ ҚАРИИБ ЯРИМ МИЛЛИОН КИШИЛИК АРМИЯСИ ПАРТИЯМИЗ ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОДИҚ ТАЯНЧИ БУЛИБ КЕЛДИ ВА ШУНДАЙ БУЛИБ ҚОЛА БЕРАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ХАЛҚ ХУЖАЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ, МАМЛАКАТГА 4.580 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИЛДИ.**

## ШАРҚ МАШЪАЛИ

БУГУН Буюк Иттифоқимизнинг забардаст ва гулистон дийрларидан бири — Совет Ўзбекистони, КПСНИНГ жанговар отрядларидан бири — республика Коммунистик партияси. Ҳақ олтин тўйини нишонлаётган, Бугун бутун совет халқи, барча қардошларимиз бу ёрқин санани биз билан бирга катта хурсандчилик билан нишонламоқдалар. Ленин тўйларининг тантанаси қадимий ва навқирон Ўзбек заминида бутун салобати билан гавдаланиб, қалбларимизни ифтихор туйғуси билан тўлдирмоқда.

Октябрь инқилоби, совет тузуми халқларимизга, жумладан Ўзбек элига чинакам совадат, ривожланиш ва камолот йўлларини очиб берди. Минг йиллар давомида орзу қилинган ҳақиқатнинг, халқ қалбидининг қатлам-қатламларида пинҳон ётган чексиз имкониятларнинг юзага чиқишига замин яратди. Қўрмасиз, хароба кулбалардан кўркәм, осмонлар қосқонларгача, майда қосқондан етук, кудратли сановатгача, омондан ҳозирги энг замонавий юксак техникагача, жинчирқондан равшан нурхоналар маржонгача, саводсизликдан академия чўққиларигача Ўзбек халқи босиб ўтган йўл — бу Октябрь йўли, улуг Ленин йўли бўлиб тарихга кирди.

Партиямиз Ленинча миллий сивбатининг амалга оширилиши натижасида тарихан қисқа давр ичда Ўзбекистон иқтисодий тараққитининг машаққатли капиталистик босқичини четлаб ўтиб, Шарқда социализмнинг ёрқин машъалига айланди. У юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги, ривожланган индустрия, баркамол маданият, етук илму-фан дийри бўлиб дунёга танқид.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда сановатнинг юздан ортиқ тармоғи шаклланиб, 1300 дан зиёд йирик корхоналар барпо этилди. Республикаси ишчилар синфининг соми бугунги кунда 2 миллион кишига яқинлашди. Бир пайтлар ҳатто оддий михин ҳам четдан харид қилишга мажбур бўлган ўлка эндиликда самолётлар, тракторлар, экскаваторлар, бульдозерлар, пахта териш техникаси ва яна унлаб ранг-баранг, мураккаб машиналар ишлаб чиқариб, Ватан кудратини оширмоқда.

Бугунги кунда республикада минглаб қолхоз ва совхозлар мавжуд. Бу хўжалиқларнинг катта кўпчилиги дийримиизнинг асосий бойлиги — «оқ олтин» ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Шонли юбилей йилида 5 миллион тоналлик улкан хирмон учун кураш

ҳозир айни авж нуктада давом этмоқда. Оне-ер қаридан олиб чиқилган бунча жавоҳир — чорак миллиард нуфузли буюк совет халқи насибасининг тароз босғулик вазнин ва равшан бир бўлагидир. Чунки бундай улғувор ҳосилни фақат дўстлигимиз тўғрисида қардошлар кўмагидагина ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб яратамиз.

Ҳанинги турли жабҳаларида шухрат топган қанчадан-қанча алломалар мураккаб илмий муаммоларни ҳал этиш билан банд бўлиб, улар чўлларни гулистон қилиш, атом сирини очиб, кимё жавоҳирларини инсониятга бахш этиш, маъданлар хазинасини кашф этиш, ер ва самоний ўрғаниш каби соҳаларда фидойилик қилмоқдалар.

Октябрь бизга СССР халқлари дўстлигини инъом этди. Бу дўстлик ўзининг мўъжизакор кучи билан, илҳомбахш кудрати билан, ака-укаларча салимияти билан бизнинг абадий ифтихоримиз бўлиб қолди. У барча зафарларимизнинг жўш урган сарнамаларидан биридир. Бу дўстлик минг йиллар давомида буюк ақл эгалари, донишмандлар, мутафаккирлар орзу қилиб келган, халқларнинг юрак-юракларида куйланган ва ердокланган, башариатнинг муқаддас эсрий интилишларини ўзиде мужжасам этган бебаҳо хазинамиз, ҳақиқатга айланган бугунги улғувор ҳайтимиздир. Доҳий Ленин: «БИЗ, МИЛЛАТЛАРИНИНГ ИХТИРИЙ ИТТИФОҚИНИ — БИР МИЛЛАТНИНГ ИККИНЧИ МИЛЛАТ УСТИДАН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЗУРЛИГИГА ЯЎЛ ҚўЙМАЙДИГАН ИТТИФОҚИНИ ИСТАЙМИЗ. — МУТЛАҚО ТўЛА ИШОНЧГА, ҚАРДОШЛАРЧА БИРЛИКНИ ОЧИҚ ВА РАВШАН ТўШУНИБ ОЛИШГА, ТўЛА ИХТИРИЙЛИК АССОСИДАГИ КЕЛИШУВГА АССОСЛАНАДИГАН ИТТИФОҚИНИ ИСТАЙМИЗ. — деб орзу қилган ва шундай жамиятга асос солган эди. Бизнинг кудратли Ватенимиз улуг раҳнамо ғояларининг мукамал, реал ифодасидир.

Шонли эллик йил ичда қўлга киритган ғалабаларимизнинг сарҳисоби ана шундай мислсиз. Биз бу ажойиб зафарларга Коммунистик партиямиз етакчилигида, Ватенимиздаги барча халқларнинг, биринчи навбатда буюк рус халқининг оғаларча бегараз ёрдами тўғрисида эришдик. Биз ана шундай порлоқ якунлар, янада равшан истиқбол режалари билан дийримииз ва Компартияимизнинг иккинчи ярим асрлигига қадам қўймоқдамиз. СССР халқларининг тўрлердек мухтадкам, океанлардай улғувор, қўвшдай ҳарорати дўстлиги янги-янги парвозларимизга қанот бахш этди.



Рассом А. Холиқов ишлаган расм.

## ПЛАН ТўЛДИ, НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съевди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ўз фидокорона меҳнатлари билан ҳамма жойда Ватанга кўп ҳосил еттиштириллар ва мисли кўрилмаган қисқа муддатда — республика юбилейи арафсисда — 21 октябрда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар.

Мамлакат 4 миллион 580 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтин»ини олди. Бу эса 1973 йилнинг шу муддатида давлатга сотилган миқдорига қараганда 260 минг тонна кўп. Пахтаниннг 80 проценти биринчи сортларга топширилди.

Сирдарё, Тошкент, Жиззах, Андижон, Қашқадарё, Хоразм областларининг қолхоз ва совхозлари, 65 район республиканиннг юзлаб қолхоз ва совхозлари, минглаб бригадалари пахта йиғин-терининг уюшқоқлиги билан олиб бориб, халқ хўжалик планини муддатдан илгари бажардилар. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро, Наманган ва Самарқанд областлари хўжаликлари пахта тайёрлаш планини бажариш арафсисда турibdilar. Пахта тайёрлашнинг юксак суръатларига эришмиш пахта териш машиналаридан серикум фойдаланиш жуда муҳим роль ўйнади. Механизаторлар тайёрланган пахтаниннг эрдандан кўпчилиги — 2 миллион 320 минг тоннасини машиналарда тердилар.

Сирдарё области қолхозлари ва совхозлари тайёрланган пахтаниннг 83 проценти, Тошкент области 76 проценти, Жиззах области 73 проценти, Самарқанд области 62 проценти машиналарда териб олиб, машина терими планини муваффақиятли адо этдилар.

Пахтакорларга КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати катта ердан берганлиги ва пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида тинмай гамхўрлик қилганлиги натижасида, қолхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалиги ва суа хўжалиги мутахассислари, республиканиннг барча меҳнаткашлари қаҳрамонларча меҳнат қилганликлари ҳамда мусобақадор қардошларимиз — Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Қозғистон пахтакорларининг катта ердан берганлиги натижасида шу аjoyиб ғалабани қўлга киритдилар.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари еттиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан териб олишни давом эттирмоқдалар, ҳамма ҳосилни нобуд қилмай териб олиш ҳамда Ватанга қанда 5.000.000 тонна пахта топширишдан иборат юксак социалистик мажбуриятларини сўзсиз адо этиш учун фидокорона ишламоқдалар.

## Ўртоқ М. А. СУСЛОВ Тошкентга келди



КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Михаил Андреевич Сулов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги байрамида қатнашиш учун 21 октябрда Тошкентга келди. Тошкент аэропорти ранг-баранг либосда. Баланд флагштоқларда ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР, барча қардош иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқлари ҳиллираб турибди. Аэропортта республика ва унинг пойтахти меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари келганлар. Бу ерда сановат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илгорлари, танили фан ва маданият арбоблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, Совет Армиясининг генераллари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. Кутиб олувчилар орасида шонли байрамда қатнашиш учун Тошкентга келган қардош республикаларнинг вакиллари бор.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ аэропортида М. А. Суловнинг кутиб олиниши.

А. Авазов, ва А. Горюккин фотоси, (ЎЗТАГ).



В. И. Ленин ҳайкали пойга гулчамбарлар қўйди.

М. А. Сулов «Халқлар дўстлиги» ҳибонига қўчат ўтказмоқда. А. Авазов, А. Горюккин фотолари, (УзТАГ).

# ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Янабоғ районининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг аям олдириб, муддатидан олдин, 20 октябрда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар. Давлатга 29 минг тонна пахта сотилди.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи ҳосилини 35 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон районининг пахтакорлари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг аям олдириб, муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 41,7 минг тоннадан ортиқ пахта топширишди.

Район деҳқонлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, планга қўшимча равишда давлатга 8,5 минг тонна пахта сотиш ва ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказишга сўз бердилар.

Оқолтин районининг пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини шарафига бошланган мусобақани кенг аям олдириб, муддатидан олдин, 20 октябрда давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини бажардилар. Район хўжаликларини тайёрлов пунктларига 49,5 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Шундан 45,4 минг тоннаси машиналарда терилди. Бу териб олинган ҳамма пахтанинг 92 проценти ташкил этди.

Район қишлоқ хўжалиги меҳнаткорлари давлатга пландан ташқари 19 минг тонна қўриқ пахта сотишда зиммаларига олган мажбуриятларини сўзаси бажаришга бутун куч-гайратларини сарфламоқдалар.

Янгиқўрган районининг пахтакорлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еттиштириши йўлида шу учун бошланган Кўпайитиш социалистик мусобақасига қўшилиб давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлов пунктларига 35,8 минг тонна пахта етказиб берилди.

Район деҳқонлари ялпи ҳосилини 45 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Норин районининг деҳқонлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақасида 20 октябрда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар. Улар давлатга 34,9 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Район пахтакорлари яна 8 минг тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

# Ўртоқ М. А. СУСЛОВ Тошкентга келди

**[Боши биринчи бетда.]**

Ўртоқ М. А. Суловни кутиб олиш учун КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров аэропортга келдилар. Тантаналарга келган делегацияларнинг бошлиқлари — Компартиялар Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари: Грузиядан — Э. А. Шеварднадзе, Озарбайжондан — Г. А. Алиев, Молдавиядан — И. У. Усубалиев, Тожикистондан — Ж. Р. Расулов, Туркменистондан — М. Ф. Гапуров, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари К. В. Лебедев, Арманистон Компартияси — Марказий Комитетининг секретари К. С. Демирчян, Москва шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжелыников, Иваново область партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Клюев, Олий Советлар Президиумларининг Раислари: РСФСРдан — М. А. Ясноу, Украина ССРдан И. С. Грушецкий, Қозғоистон ССРдан С. В. Нибязбеков, Министрлар Советларининг раислари: Литва ССРдан И. А. Манюшис, Латвия ССРдан Ю. Я. Рубан, Болгария Коммунистик партияси Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Н. Корчанов, Болгария — Совет дўстлиги Умумхалқ комитети раисининг ўринбосари, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг

# ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок қилдиш учун 21 октябрда Тошкентга қардош республикалар делегациялари келишди.

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. С. Грушецкий бошлиқлидаги Украина ССР делегацияси келди. Делегация составида «Артемуголь» комбинатидagi Изотова номли шахтанинг зобойишчиси, СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Довбиш, Полтава областидаги «Дружба» колхозининг сўт соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Т. Жуган, композитор, СССР Халқ артисти Г. И. Майборода бор.

Қозғоистон делегацияси составида Қозғоистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. В. Нибязбеков (деlegation бошлиғи), Қозғоистон Компартияси Чикент область комитетининг биринчи секретари А. Г. Рамазонов, «Қарақандауоль» комбинати кўмир қанбонининг машинисти, СССР Олий Совети депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Я. М. Муцагалев, Турғай область Ушакон номли совхоз трактордальчилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Н. Куряленколардан иборат.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе бошлиқлидаги Грузия ССР делегацияси байрам тантаналарини қатнашиш учун келди. Делегация состави Тбилиси шаҳар Калинин район партия комитетининг секретари Н. В. Гургендиде, Зугдиди райониндаги Ингири чойкорлик совхозининг механизатори В. Г. Мейнарғиялардан иборат.

Литва ССР Министрлар Совети Раиси И. А. Манюшис бошлиқлидаги делегация келди. Делегация составида Литва Компартияси Шауляй район комитетининг биринчи секретари Ю. А. Вайнаускас, Вильнюсдаги электр саноатининг заводининг йиғувчиси, Литва ССР Олий Совети раисининг ўринбосари А. В. Тоцицялар бор.

Латвия делегациясига Латвия ССР Министрлар Совети Раиси Ю. Я. Рубан (деlegation бошлиғи), Латвия Компартияси Рига район комитетининг биринчи секретари Я. Д. Тумов-Бекис, «Ригас адитайс» фабрикасининг тўқувчиси, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. И. Трифонова кириди.

Арманистондан Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. С. Демирчян (деlegation бошлиғи), Октемберян райони, Налбандян қишлоғидаги колхоз звено бошлиғи, СССР Олий Совети депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. А. Карапетян, Арманистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик С. А. Амбарцумяндан иборат составдаги делегация келди.

Тожикистон ССР делегациясига

## ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

### 1924—1974

- Ўзбекистон партия ташкилотини ташкил топганда бунин 50 йил ичда ўсиб, ривожланди. Унинг сон состави 28 баравар ўсди ва 1974 йилнинг 1 июлига келиб 448429 КПСС аъзоси ҳамда 18867 партия аъзолигига кандидатини ташкил этди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида 9318 киши кандидатликка, 8849 киши партия аъзолигига қабул қилинди.
- Партияга қабул қилинаётганлар составида хотин-қизлар кўпайиб борибди. Шу йилнинг олти ойи ичда партия кандидатлигига қабул қилинганларнинг 35,7 проценти хотин-қизлар ташкил қилди. Ҳозир 99018 коммунист ёки жами партия аъзоларининг 21,2 проценти хотин-қизлардир.
- Ўзбекистон партия ташкилотини социал составида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. 1974 йилнинг 1 январига КПСС аъзоси бўлган ишчилар 33,5 проценти, деҳқонлар 27,9 проценти, хизматни ва бошқалар 38,6 проценти ташкил қилди.
- Коммунистларнинг умумий билим даражаси ҳам ошди. Ҳозир уларнинг 22,8 проценти олий, 2,3 проценти тугалланмаган олий, 41 проценти ўрта, 21,2 проценти тўлиқсиз ўрта маълумотли кишилар ташкил қилди.
- 1974 йилнинг 1 июлигача республикада бошланғич партия ташкилотларининг сонин 15163 тага, ҳеч партия ташкилотлари 19083 тага, партия гуруҳлари эса 9945 тага етди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Компартиясида 12 та область партия комитети, 26 та шаҳар партия комитети, 8 та шаҳар райкоми, 127 та қишлоқ райкоми мажмуи.

## ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Хоразм область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб Ўзбекистон ССР ҳамда Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга бошланган социалистик мусобақани кенг аям олдириб, муддатидан олдин, 21 октябрда давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини бажардилар. Давлатга 380 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди, шу жумладан 165 минг тонна пахта мажбуриятларда териб олинди.

Хива, Богот, Хонча, Янги-Ариқ районларининг пахтакорлари областда биринчи бўлиб халқ хўжалик планини бажардилар ва олинган мажбурият ҳисобига пахта топшириш пунктларига 49,5 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бердилар. Шундан 45,4 минг тоннаси машиналарда терилди. Бу териб олинган ҳамма пахтанинг 92 проценти ташкил этди.

Район қишлоқ хўжалиги меҳнаткорлари давлатга пландан ташқари 19 минг тонна қўриқ пахта сотишда зиммаларига олган мажбуриятларини сўзаси бажаришга бутун куч-гайратларини сарфламоқдалар.

## ИЛГОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1974 йил октябр ойининг иккинчи ўн кунлигида пахта териб ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини қўриб чиқиб, республика кўчма Қизил байроқларини Самарқанд ва Хоразм областларига, Самарқанд областининг Нарпай, Пахтачи, Қашқадарь областининг Қосон, Сирдарё областининг Қўриқдаги Оқолтин районларига, Самарқанд область, Хатирчи районидagi «Зарафшон», Сирдарё область, Оқолтин районидagi «Андижон» совхозларига, Самарқанд область, Пастдарғом районидagi К. Маркс номли колхозга беришга қарор қилдилар.

# ЧУҚЧИЛАР ПУБЛИЦИСТИКА

**ХАММА** нарсани илк масъулият ҳиссидан бошлайди. Биринчи уни отамиз жанга кетган кунини сезганимиз, биринчи Ленин вафотидо биринчи эчки қўз ёш томишининг титроғидан, биринчи дастликка кашифат илҳомини татиб кўрганда, яна биринчи Некрасовнинг «Гражданином быть обязаны» деган сатрига илк бор дуч келганда қалбимиз сезганимиз.

Энди тетапола бўлиб ерда биринчи қадам қўйганимизда бизнинг келажакимиз учун қайғурган одамлар ўзарини бахтли ҳисоблашган. Улар дошқик тавассиси билан Туркистонга келган болшевик Пантелеймон Лепешинский Совет Шарҳида биринчи маърифат ўчоғи — Тошкент уни-верситетини очганда «Бу кун меннинг умримда энг бахтёр кун бўлиб қолади» деган эди. Чунки у бизнинг бутунги етук авлодларимизни, сиз билан бизнинг камолотимизни кўз ўнгига келтира олган. Уша ленички муроббийларнинг ашаналарида етилган ҳозирги ёшлиқнинг юксак граждандлик фазилатларини сўз билан ифодалаш қийин. Биргина хатдан биргина сатр келтирай. Бу хатни ҳозир асримизнинг буюк иншооти деб ном олган БАМ (Байкал—Амур магистрала) да ишлаётган ўзбек ишлари ваган. У ерда ҳозир юзлаб ўзбекистонликлар «Комсомол съезди» номидagi эъзбор қурилиш отрядларида ишламоқда. Уларнинг мактуби буюк Ватанга муҳаббат ҳисси, романтик жасорат ва ифтихор туйғуларини билан тўла. Улар ёввойи тайга йўллари, чексиз туманли кенгликларини, ишининг шарафли ва оғир эканини ёзадилар, энг муҳими, ўша оғир шарафидо ҳам етукликка интиладилар. Маана мактубининг ўша жойи: «Омадимизни қарангки, биз келиб қўйилган қурилиш отряди Ватан уруши йилларида Ладога кўли музликларидан қамалдаги Ленинградга машҳур «хавф йўлини» очган жановар отряд экан. Бу ветеранларнинг ҳар бири биз учун — мактаб. Қўлини қурган ҳақиқий меҳрибон мураббийлар!»

**РАМОЛОТГА ИНТИЛИШ** ҳисси бутун халқимизга хос. Республикаимиз босиб ўтган ярим асрлик йўл, ҳар жихатдан қарасангиз ҳам, журавати тарихий бир халқамиз, мислиси бир саркаши эсладиган. Леничка генерал ГОЭЛПРОнинг тўғинчи бўлган буюсув ГЭСини қурган усталардан Дмитрий Иштокин ёшлик йилларини хотирлаб, бундай дейди: «Ойлик пул йўқлигини билсан ҳам ишлаётардик. Тошкент шаҳар Совети маошмизга пул топшиш учун трамвай билетини бир тийин қимматроқ сотиш ҳақида қарор чиқарди. Бу жуда муҳим эди. Чунки, буюсув 4 минг киловатт энергия бериши керак...».

4 минг киловатт. Ҳозир қўриб тутилган Сирдарё ГРЭСи 4 миллион киловаттга мўлжалланган.

Ярим асримизнинг динишчилиси маана шундай! Шиддатли уруш йиллари Фарход тоғи этақларидо тўғич металлургия заводи қурилган эди. Шу ўттиз ил ичда унда пулат ишлаб чиқариш ўттиз марта ошди. Уша йиллари Уралда ўқиб келган биринчи ўзбек металлурги, Фарғона ва Тошкентга Москва ҳамда Ивановодан дастгоҳлар олиб келган биринчи тўқувчилар билан биргаче шонли ички динишларимизнинг тўғич авлодлари бўлиб қолдилар. Тошкент пролетариатининг шонли ичкиболчи ашаналари замирида ўсиб етилган ҳозирги бир арки миллионли жағтовар ички сарфларини ўртоқ Брежнев республиканинг суянган тоғи деб атади.

Қўриб турибсизки, ҳар бир ғалабамиз тарихи интернационал дўстлик саҳифаларига бориб тутади. Дўстликнинг ўзи эса гоғий, синдий яқдиллигимиз самарасидир. Биз, юзлаб турли-тurlи халқлар, леничка эркин гоғлар тугайли тил топишди.

Қадимий бир ривоят ёгда тушади. Афсонавий Бобилмандоб тугроғида қашқоқликдан жуде қанилган халқлар худого юзмаюз учраб арз айтмоқ учун арши-аълога чиқадиган юксак минора қурмоқчи бўладилар. Жон жаҳд билан аҳд қилган халқ иродаси тугайли минора даҳшатли тезлик билан ўсиб, бандаси чиндан ҳам арши-аълога оёқ қўйдиган. Нима қилиш керак? Буларни қандай қилиб тўхтатиш мумкин? Худо жуде кўп бош қотирганда кейин чорасини топади: одамларнинг тилларини чалқатириб, бир-бирларини тушунмайдиган қилиб қўяди. Яқдиллик, ақиллик, ўзаро тушунши йўқолганда кейин иш ҳам барбод бўлиб, минора чала қилиб кетади. Бобилмандоб минорасининг айвонларини ҳали ҳам бор, дейилади бу ибратли ривоятла.

Худо худого эканда, жуде нозик жойдан ушлабди. Лекин бизнинг замонда халқларнинг яқдиллигини, дўстлигинини буза оладиган куч йўқ. Энг муддиш синов пайтида бу нозик жойга зарб урмоқчи бўлганлар бўлди. Лекин бу синов жойи бизнинг энг қувватли томонимиз бўлиб қолди. Чунки бизнинг дўстлигимиз улуг Лениннинг инсон бағти ҳақидаги энг эркин гоғлари билан боғлиқ. Шунинг учун биз уни муқаддас биламиз.

**ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИ** — бизнинг биографиямиз, республикамизнинг ўсиш йўлидир. Бу шунчалки кўп фронтли ички, республикада унга даҳлдор бўлган киши йўқ десак бўлади. Ер ўлаштириш, механизация, уруғчилик, ирригация, ҳосилдорлик каби соҳаларда Ленин муқофотлари олган дондор замондошларнинг ҳар бири нечачека замонавий фанлар билан боғлиқ бўлган мушаккил халқлар эканини кўрсатади. Пахтачилик меҳнатининг замонавий индустриал характерни, агро-саноат бирлашмалари, янги водийлар, ишлаб чиқариш комплекслари республика қиёфасини ҳам, одамлар руҳияти, тафаккур тарзини ҳам ўзгартириб юборди.

Мирзачўлга, Марказий Фарғона ва Қарши чўлига чет элдан келганлар хайратда қолади. Лекин ҳозир бизнинг одамларга қўлигани эмас, сакролда ҳам боғлар яратиш мумино бўлайми, қолди. Шаҳар қурилиш эса ҳозирги одамлар учун тўрт йиллик иш деб тушунади. Ҳозирги иш шаҳарлар ҳам шунчалки тўқилиб-қўқоламан, худого одамларга ўлашув касби-кори билан қамолга етди. Чирчиқ билан Навоий — қимбағ, Олма-қалъ билан Бекобод — металлург, Ширин билан Тахитов — энергетик, Зарафшоннинг касби-кори номдан маълум.

Ҳозирги жўшқин ҳаёт, илҳомлаб меҳнат завоқи эса уларга алоҳида фазил хайратда туради. Юбилей вахталари беҳисоб моддий бойликларинга эмас, да, бу кунлар одамларимизнинг қалб гуллаганини, жасорат тўғайларини намойиш этди. Биз шонли замона кенг маънода тушунади. У биз учун ўша ярим асрлик йўлгина эмас, у ўлкамизнинг истиқболини ҳам, келса тарихини ҳам ёритиб юборгандай бўлди.

Асқад МУХТОР.

Гапуров (деlegation бошлиғи) Турғуртоқ олтингургурт комбинати саралаш фабрикасининг старший автоклавчиши, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р. Худойназаров, Тахта районидagi Куйбишев номли колхоз раиси, СССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Муродов, Дзержинский номидаги Ашхобод ил газлама комбинатининг директори А. А. Аббасина бор.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжелыников Тошкентга келди.

Аэропортда меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, И. Р. Курбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, К. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марчинок, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, республика министрлари ва бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар. (УзТАГ).

# СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

**СИЗ БИЛАН** биз бу таърифни илк бор КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневдан эшитгандик. Республикага Халқлар дўстлиги ордени тошғирлишига бағишланган тантанали Кўшма мажлисда шундай деган эди: «Ишчилар синфи — социалистик Ўзбекистоннинг суюнган тоғи, коммунистик курилишда партия йўлини аниқ ўтказувчи кучдир, колхозчи дехқонларнинг ишончли иттифоқчиси ва таянчидир».

Бу — ишчи деган юксак номга берилган юксак баҳо. Шу билан ишчи касбидан фахрланиб юраркан. Ҳаётдаги ҳар бир кувончли одимимиз, меҳнатдаги омадимиш улкамизнинг бутун ишчилар синфи эришган ютуқларда кўриб тураман. Айниқса, жонқон республикамизда халқ хўжалиги тарихидан ишчи синфининг буюк яратувчилик фаолиятини яққол тасаввур этаркан. Унинг эллик йил ичида қўйган музаффар одимларини ишчилар номидан санаб ўтишни истайман: ўзбек, тоjik ва туркман халқлари ҳамкорлигида қурилган Катта Фарғона канали, Фарход ГЭСи, Туямуён ва Тахитоз тўғонлари, иттиҳ широкда ўзлаштирилган «Голодострой» системасидаги чўл ва дашт ерлар, интернационализмнинг ёрқин намунаси бўлган Бухоро — Урал, Урта Осиё — Марказ газопроводи, 1930 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатини ташкил этиш учун қардош республикалардан келган 500 дан зиёд малакали ишчи, инженер-техник ходимлар ва дохило... Уларни санайверсангиз жуда кўп.

Буларнинг ҳаммасида Ватанимиз ҳақла-

рининг муқаддас дўстлиги бўлган чексиз садоқати ёрқин намоён бўлди. Илгари четдан кетмон сотиб олган улкамиз эндиликда четга пахта териб машиналар, экскаваторлар чиқарилди. Илгари РСФСР, Урал ва Украинадан келтирилган ер қазих машиналари, ирригация ускуналари, янгирув ва тўқув дастгоҳлари, цемент, азот ва фосфат ўғитлари ҳозир ўзимизда тайёрланмоқда. Мамлакатимиздаги ҳамма республикаларнинг меҳнаткашлари ўз меҳнатининг самараларини Ўзбекистон билан баҳам кўриб келганидек, Совет Иттифоқининг ҳамма жойларидаги ишчилар ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотдан баҳраманд бўлмоқдалар. Эндиликда «Ўзбекистонда тайёрланган» деган тамғали турли хил буюмларни на фақат Иттифоқимизда, жонқон ҳамма бурҷакларида кўрасиз. Улар ўз сифатига кўра дунёдаги энг яхши намуналардан қолишмайди. Айниқса, республикамиз сановати ишлаб чиқарётган мураккаб машиналар, аппаратлар кун сайин тилга тушапти, харидорлар бўлиб борапти.

Халқимизда эллик йилда эл ўзарар, деган аjoyиб ҳикмат бор. Сўнгги ярим аср мобайнида республикамизда халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва унинг одимлари ана шундай ўсди, камол топди. Айниқса, сановатимиз таниб бўлмаас даражада ўзгарди. Энергетика, химия, нефть, кон, металлургия, оltин қазиб чиқариш, электр техника, самолётсозлик, электрон сановати, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат сановати сингари юздан ортқ тармоқ бугунги кунимизнинг қураати аломатидир. Эллик йил ичида сановатимиз маҳсулоти ҳажми 135

баробар ўсганидан ҳажонланмай бўлдим!

Ишчи ижодкор ва ташаббускордир. Бу олижаноб хислатлар бизнинг қорхонамиз ишчилари учун ҳам тўла таваллуқли. Улар бутун республикамиз ишчилари билан бир сафда туриб, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун кураш мусобақасида янги-янги муваффақиятларини қўлга киритяпти. Бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажаришга аҳд қилган тўққизлар ташаббусининг издошлари кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса, сўнгги пайларда мураббийлик ҳаракати кенг тус олди. Юксак маҳоратга, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган илгор ишчиларимиз ёшларини тарбиялаш соҳасида аниқ иш олиб бормоқдалар. Улар эзу ният билан ёшларга меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни, маҳоратни ўргатмоқдалар. Ёшларни коллективнинг меҳнат аъзолари асосида тарбияламоқдалар.

Бизан, серкўб республикамизга келган чет эллик меҳмонлар бизнинг қорхонамизда ҳам бўлиб туришди. Улар республикамизнинг қисқа вақти ичида сановатлашган ўлкага айланганининг асосий сабаблари билан қизиқадилар. Бунинг асосий сабаби Совет ижтимоий ва давлат тузумининг афзалликлари, ленинча миллий сийбаст натижасидир.

Санд НУРИДДИНОВ,  
В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводининг «300»-стан мастери,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

## ФАКТЛАР... РАКАНЛАР...

### 1924—1974

- 1913 йилда бутун Туркистонда 425 та майда, ночор қорхоналар мавжуд бўлиб, улар беш-олтигагина тармоққа бўлишган эди. Ҳозир совет Ўзбекистонининг ўзида сановатнинг юздан ортқ тармоғи бўлиб, уларда 1300 дан кўпроқ замонавий йирик қорхоналар ишлаб турибди.
- 1973 йилда республика сановат маҳсулоти ҳажми 1924 йилдагига нисбатан 135 баробар ортди.
- Эллик йил ичида республикамизда 1700 баробар электр энергия, 220 баробар нефть, 112 баробар кўриш бол гилш ва 24,5 баробар кўп пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда.
- Республика сановат ишлаб чиқаришдаги ишчилар сони 22,5 баробар ўсди.
- Илгари оддий миҳни ҳам четдан келтирилган Ўзбекистон эндиликда четга маҳсулот чиқариш бўйича РСФСР, Украинадан кейин Иттифоқда учинчи ўринда туради.
- Республика экспорт маҳсулотлари ичида пахта асосий ўринни эгаллайди. У барча социалистик мамлакатларга ва ГФР, Франция, Англия, Япония, Филиппиния, Италия сингари давлатларга сотилади.

## ЁРҚИН ЙЎЛ

**БУГУНГИ** Юқори Чирчиқ илдам суръатлар билан ривожланиб бораётган, пахтачилик, қаноччилик ва чорвачилик соҳалари индустриал асосларига кўчирлаётган илгор районлардан биридир. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашаётган районимиз меҳнаткашлари кунин-кеча яна бир зафар қўқдилар. Давлатга пахта тошпирини юзасидан олдинга социалистик мажбурият ҳам ошириб бажарилди. Она-Ватан Юқори Чирчиқ районидан 30 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Пахта ҳосилдорлиги 35 центнерга етди. Районимиз давлатга қаноч, дои, сабзавот, пилла, чорвачилик маҳсулотлари сотиш йиллик планларини ҳам муваффақиятли адо этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, айниқса пахтачилик соҳасида эришилган бу муваффақиятлар қишлоқ хўжалигини интенсификациялаш, комплекс механизациялаш ва химиялаштириш, фан-техника ютуқлари ва илгор тажрибалардан омилдорлик билан фойдаланиш, бошқарув системасини ҳамда хўжаликка партиявий раҳбарлики янада такомиллаштириш орали эришилди.

Район колхозлари бу йил биринчи марта 30 минг тонна «оқ олтин» етиштирдилар. Илчи ҳосилнинг 95 процини машиналар билан териб олинди. Далаларга ишлаган 222 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан ўртача 119 тоннадан пахта терилди.

Район партия ташкилоти ҳам ярим аср мобайнида ўси да мустақамланди. Агар бундан 50 йил аввал районда жами 61 коммунист бўлиб, ҳозир улар 3434 кишига, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 107 тага етди.

